

Бир пайтлар хориж мактабларига хавас қилардиқ. Эндликда ўзимизнинг мактаблар ҳам уларникидан қолишмайди. Истиқлол йилларида юртимизда таълим-тарбия тизимини яхшилашга оид кўплаб қарор ва фармонлар эълон қилинди. Амалга оширилган ислохотлар мактабларимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Маълумки, имкониятлар кенгайгани сайин изланиш кучаяди, соҳа эгаларининг билимдонлик даражаси юқорилаяди. Қарабсизки, ҳар қадамда янгиланишлар, бурилишлар юз беради. Аини вақтда диёримиздаги мактабларда ҳам худди шундай улкан жараёнлар кечмоқда.

Энг замонавий мактаб қандай бўлиши керак, ўзи? Энг замонавий педагог-чи?!

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ У ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Таълим тизимида қатор янгиланишларни қўлга киритиб келишимиз, мана шу савол ҳамisha олдимида кўндаланг туравереди. Яқинда Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Тўқтин Жалолов номи 245-мактаб директори Фахриддин Муҳиддинов билан худди шу мавзуда суҳбатлашдик.

Мухтарам Президентимиз ўсиб келаётган ёш авлодга қатта ишонч билан қарамоқда, уларни «келажимиз эгалари» деб атамоқда, бу нарса биз педагоглар зиммасига қатта масъулият юқлайди, дейди у.

Чунки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан дадил бораётган эҳсонимиз, ёшларни бу нарсага тайёр қилиб тарбиялашимиз зарур. Демак, ҳар бир педагог ўз ўстида тиним билмай ишласин, ўқув жараёнини мазмунли ташкил этсин, бола кўнглига йўл топиш учун ўзи ҳам билимдон психолог бўлсин!

Ахир биз педагоглар бугуннинг ўқувчисини ҳар томонлама барқамол этиб тарбияламоқ, унга ҳар жиҳатдан тўқис билим бермоқ учун аввало ўзимизни чинакам қамолга етказишимиз керак деб ҳисоблаймиз.

У ҳақ. Бу куннинг педагоги ўта изланувчан бўлса, ўқувчининг билими ҳам соат сайин кучайиб бораверади.

Сиз раҳбарлик қилган мактабда таълим-тарбия қандай олиб бориляпти? Энг замонавий мактаб яратилиши йўлида қандай саноат-характерларни амалга оширмоқдасизлар? - сўрайман суҳбатдошимдан.

Биз энг аввало компьютер синфини барпо этдик. Чунки, янги аср болалари ахборот узатувчи техникалар сиридан тула хабардор бўлишлари керак. Миндан ошқиб ўқувчини ўз бағрига олган ўқув даргоҳимизда ҳам йигит-қизларнинг компьютер сабоқларини ўрганишлари учун жамики шарт-шароитлар муҳайё.

Мактабимизда қўлпаб фан тўғарақлари мунтазам ишлаб турибди. Уларда энг таҳрирбали педагоглар қизиқувчан ўқувчилар билан иш юритишди. Бундан ташқари, ҳунар эгалаш истагида бўлган ўқувчилар дарсдан сўнг мактабда дурдогорлик, чилангарлик, тикиш, турли нарсалар ясаш сингариларини ўрганишлари мумкин. Эртанги кун кишиши нафақат ақлан барқамол, балки жисмонан бақувват ҳам бўлиши шарт. Шунинг ҳисобига олиб мактабимизда спорт ишларини

Ха, Фахриддин Муҳиддиновнинг қуниб сузлаётгани бежизга эмас. Биз мустақил юртининг эртанги кунини ўз фарзандларимизнинг билими ва иқтидори билан белгилаймиз. Бу билим ва иқтидор қанчалик чуқур ва кенг қамровли бўлса, албатта қўлпаб мактабда эришилади. «Ҳар бир педагог ўз ишига масъулият билан ёндашса, мактаб ҳаётига тобора яқинлашади, ўқувчининг қалбини забт этишга эришади, таълим тизимининг ривож топишида том маънодаги ҳиссасини қўшган ҳисобланади» дейди Фахриддин Муҳиддинов суҳбатимизни ниҳосида. Унинг таъкидлашича, ҳали шундай кунлар келадики, юртимиздаги барча мактаблар ва уларда билим олаётган ўқувчиларининг билим жуда-жуда фахрланамиз.

Г.ЖАМИЛОВА



Олий Бахт
ГАЗЕТА 1991 йил
21 мартдан
ЧИКА БОШЛАГАН

ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 30 сентябр, жума № 160 (2001)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодин миллий ва умумбаъшарий қадриятларга таянган ҳолда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳар томонлама соғлом ва барқамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатиш йўлида жонқуярлик кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ”
Алламуратов Елмурат Тормуратович - Кегейли туманидаги 4-мактабнинг география фани ўқувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Хидиров Нусратулла - Пахтачи туманидаги 25-мактабнинг физика фани ўқувчиси, Самарқанд вилояти
Элов Болта - Гиждувон туманидаги 8-мактабнинг математика фани ўқувчиси, Бухоро вилояти

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ”
Жакбаров Турғунбой Турсунович - Бувайда туманидаги 1-мактабнинг математика фани ўқувчиси, Фарғона вилояти
Ибрагимов Фарида - Чиноз туманидаги 2-мактаб директори, Тошкент вилояти
Мадраҳимова Кароматхон - Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг кимё фани ўқувчиси
Матсапаева Муслима Матсапаевна - Янгйбозор туманидаги 12-мактаб директорининг ўринбосари, Хоразм вилояти

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ”
Давлатова Гулжол Хабиёва - Узун туманидаги 28-мактабнинг кимё-биология фани ўқувчиси,

Қудратов Рустам Бўриёвич - Республика Олий спорт маҳорати мактабнинг юнон-рум кураши бўйича мураббийси

“МЕХНАТ ШУХРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН
Акрамов Раҳимжон Аҳмедович - Халқ таълими вазириликнинг таълим муассасаларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўлими бошлиғи
Асқаров Искандар Норматович - Балиқчи туманидаги 44-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқувчиси, Андижон вилояти
Ғафорова Феруза Жалаловна - Самарқанд шаҳридаги 6-мактабнинг математика фани ўқувчиси

“ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН
Абдуллаева Қумри Абдуллаева - Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг бошланғич таълим муаммолари бўйича илмий маслаҳатчиси
Жўраев Усмон Тошпўлатович - Бўка туманидаги 8-мактабнинг тарих фани ўқувчиси, Тошкент вилояти

“ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН
Мирзахмедов Абдураим Мирзахматович - Аска туманидаги 26-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқувчиси, Андижон вилояти
Нарзиёв Юсуф Усманович - Жондор туманидаги 31-мактабнинг физика-математика фани ўқувчиси, Бухоро вилояти
Нурқобилов Абдураҳмон - Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат мактабининг тасвирий санъат ўқувчиси

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ”
Абдуллаева Зарина Азамовна - Республика Олий спорт маҳорати мактабнинг бадиий гимнастика бўйича мураббийси

рих фани ўқувчиси, Тошкент вилояти
Умаров Юсували Кодирович - Ёзёвон туманидаги 6-мактабнинг физика фани ўқувчиси, Фарғона вилояти


“Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодин ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги фидокорона хизматлари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

Хўжақулов Соатмурод Муҳаммедович - Ангор туманидаги 13-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқувчиси, Сурхондарё вилояти
Шодиёв Азамат - Жиззах туманидаги 1-мактабнинг кимё-биология фани ўқувчиси, Жиззах вилояти
Ёш авлодин маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН
Абдуллаева Уқтамой Бозорбоевна - Сайхунбод туманидаги 9-боғча-мактаб мажмуасининг тарбиячиси, Сирдарё вилояти
Абдураҳмонов Каримжон Тўхасинович - Янгйқўрғон туманидаги 49-мактабнинг жисмоний тарбия ўқувчиси, Наманган вилояти

Остонова Хилола Қаландаровна - Навоий шаҳридаги “Меҳрибонлик уйи” тарбиячиси
Бекишев Серик Умбетович - Эллиққалъа туманидаги 19-мактабнинг жисмоний тарбия ўқувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Ғозиева Сурайё Юлдашевна - Бойсун туманидаги 12-“Меҳрибонлик уйи” директорининг ўринбосари, Сурхондарё вилояти
Камминсарова Светлана Викторовна - Тошкент шаҳридаги 21-“Меҳрибонлик уйи” тарбиячиси
Қодирова Махфират

(Давоми 2-бетда)



Муаллим - меҳр-муҳаббат, эзгулик рамзидир. Боланинг мурғак қалбига эзгулик уруғини қадайдиган, илмга ташналик, ота-она ва Ватанга меҳр ҳиссини уйғотадиган хонисор инсон ўқитувчидир. Шу боис, эл-юрт истиқболи айнаш шу касб эгаларининг фаолиятига боғлиқ.
Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 207-урта таълим мактабиде ана шундай ўқитувчилардан бир гуруҳи келажак авлодга билим бериб келмоқда. Улар ўзининг педагогик маҳорати, кўп йиллик тажрибаси билан ўқувчилар қалбидан жой олган. Мазкур мактаб 1946 йил қурилган бўлиб, эскириб қолганлиги тўғрисида шун йил тўла реконструкция қилинди. 600 ўқувчига мўлжалланган мактаб сўнгги техник воситалари билан жиҳозланди. Мактабдаги химия, биология, лингафон ва компьютер хоналари замон талаблари даражасида бўлиб, ўқувчилар чуқур билим олишида жуда қўл келмоқда. Аини пайтда мактабда 34 та олий маълумотли педагог ўқувчиларга билим бермоқда.
Суратларда: мактаб фаолиятдан лавҳалар.
Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар



Орамиздаги одамлар

ЧЎЛЛАР ОША

Мамлакатимизнинг узоқ мuddатли манфатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий сармомаларни жалб этиш, ер ости бойлиқларини қазиб олиш ва уларни комплекс қайта ишлашни йўлга қўйиш тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди.
Бундан икки йил муқаддам ишга туширилган Янги Қоратепаниннинг имкониятлари чексиз, нефт-газ хазинаси бисёр. Ер ости булоқлари қўшни оқётган Қосон нефт-газ қидирув экспедициясининг фидойи жамоаси вақтига усулида меҳнат қилиб, муваффақиятларга эришмоқда. Бургулаш устаси Маҳмуджон Ҳикматовнинг бутун умри баррикенг далола даштларда ўтган. Оқдиди ишчиликдан бургуловчилар раҳбари даражасига кўтарилган. Етарли тажриба ва малакага эга. Қатъиятли ва бир сўзли киши. Уттиз йилдан бери тизимда ишлаётган хазинатопарлар етакчиси Қашқадарё чўлларидан Янги Помуқ, Қаймоқ, Хаппан конларини ўзлаштиришда қатнашган.

Иш сифати ва суръатини бош уста асло назардан қочирмайди. Бақувват гавдасига қоржомаси ярашган етакчини доимо одамлар орасида, мураккаб усуналар ҳаракатини синчковлик билан назорат қилиб турган пайтда учратсиз. Маҳмуджон ака дизелчи А.Мирзаев, механик З.Қўқоровлар билан суҳбатлашиб, бургулаш миносари томон йўл олди.
Бургулаш оператори Шавкат Аюпов компьютерлашган бошқарув пультада ҳамisha ҳушёр. Усуналар ҳаракатида бирон нуқсон сезилса, дарҳол марказга хабар қилади. Янги Қоратепаниннинг 6-қудуғида пармалаш юмушлари жадал суратларда олиб бориляпти. Лойиха бўйича чуқурлиги 3650 метри кудуқи қавлашга жорий йил баҳорда киритилган эди. Ҳозирга қадар 3400 метрлик марра забт этилди.
Ноябр ойида бургулаш ишлари ниҳосига етказилди. Ҳар гал янги манбадан нефт-газ олиншини қўрғанида қалбим қўнғонга тўлади, яна бир ышга ярашгандай бўлман.
Кичик жамоа ўзининг қатта ва кенг қамровли фаолияти билан мамлакатимиз ёнигилик муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Маҳмуджон аканинг шогирдлари қўл, ҳаёти воқеаларга бой. Ун беш йилдан бери бош усталик вази-фасини адо этётган бўлса, 20 тадан ортқ кудуқи пармалаб, фойдалашга топширишга

бошчилик қилди. Бригада бургуловчилари қондаги учинчи ва бешинчи кудуқларни пармалаб, «Шўртаннефтгаз» унитар шўмба қорхонаси мутахассисларига топширган эдилар. Аини пайтда улар томонидан ишга туширилган, Миришкор туманидаги Янги Помуқ қонидан ҳам «Муборакнефтгаз» қорхонаси кўп микдорда нефт, газ ва кондендат қазиб чиқарилди.

Бургулашда замонавий технологиялар жорий этилган. Мажмуанинг 6-қудуғи Хитойдан келтирилган платформа ёрдамида пармаланаёпти. Юқори қувватли ва чидамли асбоб-усуналардан ташкил толган бургулаш миносарида барча технологик жараёнлар компьютер ёрдамида назорат қилинади. Тўққиз ойда 1 миллиард 600 миллион сўмлик бургулаш ишлари амалга оширилди.

Буюк истиқлол шарофати тўғрисидаги хорижий давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Илгари пармалаш ишлари оддий усулда амалга оширилган бўлса, эндиликда қудратли техникалар билан бақарилади.

Ишчилар учун ҳамма қўлайликлар яратилган. Чўл шароитида дам олиш, оқватланиш, ювиниш хоналари бор. Ходимлар махсус кийим-кечак, пойафзал билан таъминланган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилинади. Жамоада ишчанлик, уюшқоқлик ва соғлом маънавий муҳит қарор топган. Ойлик маош ва қўшимча мукофотлар вақтида бериб бориляпти.

Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар тўғрисида доимий гамхўрлик кўрсатилганлиги иш самарадорлигини ошириб, қайфиятини кўтармоқда. Ойлик ва чораклик топшириқлар мунтазам ўринлатиб қолيناёпти. Қўлга киритилган ютуқларда бургуловчилар ёрдамчиси Элёр Ҳайдаров, қатта дизелчи Фуқрат Примов, операторлар Суҳроб Ҳикматов, Султон Бекназаров, лаборант Анвар Ҳайитовларнинг муносиб улуши бор, албатта.

...Илон изи сўқоқлар оралаб чўл ичкари-сига кириб борамиз. Пармалаш усуналари тўхтовсиз ҳаракатланади. Улкан миносарларда минглар чироклар самодга юлдузлар билан бахлалашаётгандек олдидан қўзга ташланади. Биз-бургуловчиларнинг жўшқин меҳнати билан она замин бағрида янгидан-янги нефт-газ булоқлари кўз очмоқда.

О.МУРDOV, бургуловчи

Пахта йиғим-терими ва касаба уюшмалари

Давлат ва халқ олдидagi улкан хизматлари учун Президентимиз Фармонида асосан Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Агитай Адилмовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Агитай оға тонгда туришга одатланган. Субҳи-содиқнинг тоза ҳавосидан кўксини тўдириб нафас олар экан, ўзининг кадрдон далаларига отланди. Бир томони кўшни Қозоғистон ҳудудларига чўзилиб кетган бепоён даштларда унинг шўх-шодон болалиги, асов ёшлиги ўтган. Бутун умрини қишлоқ хўжалигига бағишлади. Сурункасига 29 йилдан бери Оролбўйидаги катта хўжаликка раҳбарлик қилмоқда.

Уша оғир ва машаққатли кунлар ёшунинг хотирасидан кўтарилигани йўқ. 1977 йилда ёш мутахассисни раҳбарликка ишга юборишди. Асосан пахтачилик билан шуғулланган хўжалик бутунлай қарзга ботган, режа, топшириқлар сурункасига бажарилмай келинган эди. Мутахассислиги бўйича иқтисодчи бўлган Агитай оға ҳисоб-китоб ишларини катъий назоратга олди. Экин майдонларини кенгайтириб кенг қўламли ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширди. Моддий манфаатдорлик кучайганлиги сабабли жамоада уюшқоқлик, талабчанлик ва катъий интизом, соғлом маънавий муҳит шаклланди. Пахта билан бирга шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳам экила бошланди, кўркам бог барпо этилди.

Меҳнатга, мулкка муносабат ўзгарди. 1996 йилда давлатга 9010 тонна шоли топширилиб, 89 миллион сўм фойда олинган бўлса, ордан икки йил ўтиб, 745 тонна пахта сотилди. Бундан икки йил муқаддам қабул пунктларига 3800 тонна шоли, 1752 тонна бугдой, 702 тонна пахта топширилиб, соф фойда 200 миллион сўмни ташкил этди. Ишчиларга 11 миллион сўм

қўшимча иш ҳақи, 40 тонна дон, 60 тонна гуруч ва 40 миллион сўм дивидент тарқатилди. Сув танқислиги шароитида бундай натижалар республикада энг юқори кўрсаткич эди.

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ ХЎЖАЛИКДА

Жорий йилда ҳам асосий эътибор кам меҳнат сарфлаб, кўп, сифатли ва арзон маҳсулот этиштиришга қаратилди. Қишлоқ хўжалик уюшларини амалга оширишга четдан ёрдамчи жалб этилмади. Ёқилги-

қўшимча муқофотлардан ташқари 30-35 минг сўмдан тушади. Бундан ташқари ҳар ойда ширкат аъзоларига ун, ёғ ва гуруч тарқатилаяпти.

Олтимиш ёшдан ошганлигига қарамасдан, жуссасидан куч-гайрат ёғилиб турган, тиниб-тинчимас оксоқол ҳақиқий тажриба мактабини яратди. Юзлаб шоғирларни тарбиялаб вояга етказдики, улар халқ хўжалигининг турли соҳалари-

Қорақалпоғистон Республикаси

зифани адо этишига яқинда кўмаклашади.

Фамхўрлиги, меҳрибонлиги ва инсонни кадрлашдек юксак фазилатлари билан оролбўйликларнинг ҳақиқий оксоқолига айланган Агитай оға «Шўхрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган. «Қорақалпоғис-



оилаларига уй-жой қуришда ташаббускорлик кўрсатганлиги ва моддий томондан қўллаб-қувватлаб тургани учун фамхўр раҳбардан миннатдор эътиборларини изхор этдилар. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг электр энергияси, ичимлик суви ва газ

паркига асос солинди. Фойда ҳисобидан Россиядан 234 миллион сўмга «Енисей» ва «Руслан» комбайнлари, 136 миллион сўмга Беларусдан МТЗ-Х 80, 108 миллион сўмга Украинадан ҳайдов ва чоппер тракторлари келтирилди. Умуман, хўжалиқнинг техника қудратини мустаҳкамлашга 510 миллион сўм маблағ сарфланди.

Эришилаётган ютуқларда хўжалик касаба уюшма кўмитасининг муносиб ҳиссаси бор. Боиси бу йилги мавсумда ҳам дала меҳнатқашларининг ҳақиқий мадақкори сифатида фаолият юритаяпти.

Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Агитай оға умр йўлдоши билан 3 ўғил, 5 қизни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумот олиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишяпти. Ўғил-қизлари ва бир-биридан ширин 16 нафар набираси келганида ҳовлиси қувонч ва шодликка тўлади. Чин инсоний бахт деб шунга айтсалар керак.

И.НИШОНОВ



Лавҳа

Жўқорғи Кенгеси депутатлигига сайланиб, Оролбўйида юзга келган муаммоларни ечиш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга муносиб ҳисса қўшди. Бугунги кунда мамлакат Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сифатида фаол иш олиб бормоқда.

Бир вақтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган, Устурт тўфонлари, денгиз қуриган қисмидан чанг-тўзонли шамоллар эсиб турадиган чўл ерларида кўркам посёлка қад кўтарди. 564 оила умргузаронлик қилаётган хонадонлар тўлиқ табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминланган. Оға бошчилигида кам таъминланган оилалардан 22 тасига турар-жой қуриб берилди.

Хўжаликка хизмати сингган 13 киши келган фойдадан дивидент олиб турибди. Меҳнат фахрийларидан Али Тиловберганаов, Узоқбой Нисонбоев, Хадича момо Қосимбетовалар

тўловлари хўжалик маблағлари ҳисобидан қопланади.

Сахро баргида қад кўтарган масканда ғишт заводи, ун ва шоли теғирмонлари, кунгабоқарни қайта ишлайдиган ёғ заводи, минибанк, дўкон ва бозор ишлаб турибди. Қишлоқ врачлик пункти фуқаролар хизматида.

Хўжалиқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Қирқдан ортқ қудратли ҳайдов ва чоппер тракторлари, комбайн, эксковатор, бульдозер ва бошқа техника воситалари сотиб олинди, замонавий машина-трактор



Тошкент вилоят пахтакорлари бу йил мўл ҳосил этиштирди. Бир қатор ширкат ва фермер хўжаликлари биринчи теримданок давлатга пахта сотиш шартнома режаларини удалламоқда.

Жорий йили 668 гектар майдонда пахта этиштирди, - дейди Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Камол Шамшиев. - Мавжуд майдонлар 183 нафар оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Айни пайтда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Далаларда ҳосил чўғи мўл. Бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиш. Теримчилар ва ҳашарчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: илгор теримчилар Муборак Қорабоева, Турсунбой Уринбоева ва Мавлуда Қўзйобева.

Собир ЗУФАРОВ (УЗА) олган сурат

Бухоро

Вобкент тумани деҳқонлари Бухоро вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Қабул масканларига 35 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё етказиб берилди. Ҳосилдорлик ўртача 33 центнерни ташкил қилмоқда.

Бу кўрсаткич Р.Хусенов ҳамда Х.Қамолнов номидаги ширкат хўжаликларида 43-46 центнерга етди. Туманда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлиги муваффақиятларнинг бош омиллига айланмоқда. Ялли хирмоннинг 52 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келаётир.

МИРИШКОРЛАР ХУЗУРИДА

Шу кунларда мамлакатимизда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Фарғона вилояти пахтакорлари ҳам юксак хирмон яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Пахтакорлар ва ҳашарчиларга барча шароит яратилаяпти.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан уларга маданий хизмат кўрсатиш борасида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Барча туманлардаги халқ дасталари пахтакорларга хизмат кўрсатмоқда. Айхизмат Бағдод туманида, «Нилуфар», Қува туманидаги «Анор», Тошлоқ туманидаги «Райхон» ашула ва рақс халқ ансамбллари ҳамда бошқа бир қанча дасталарнинг дастурларидан пахтакор ва ҳашарчилар мамнун бўлмоқда.

Шунингдек, дала шийпонларида, ҳашарчиларнинг ётоқхоналарида 100 дан ортқ кўчма кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирлар ҳам қизиқарли ўтмоқда.

(УЗА)

Касаба уюшмадаги изланиш, интилиш ўз маҳсулини бера бошлади. Хусусан, Гулистон туманида ташкил этилган ҳудудий ташкилотлар тадбиркорлар билан бақамти туриб, ягона мақсад сари интилиб келаяпти. Фермер хўжаликларида ташкил этилган бошланғич ташкилотлар жамоа шартномаларида кўзда тутилган қатор имтиёزلарни амалиётга жорий этиб келаяпти.

Туманимизда фаолиятимизни тубдан янги ўзанга туширишнинг ўлдасидан чиқдик, - дейди туман касаба уюшма кўмитаси раиси Юсуф Утаганов. - Эътиборли жиҳати, олти юздан ошқ бошланғичларимизда жамоат шартномасида имзоланган барча бандлар тўлиғича бажарилаяпти. Далада ишлаётганларга муайян муддатгина ҳақ тўлашдек номақбул усулга чек қўйилди. Эндиликда шартнома асосида фермер даласида ишлаётган ходимларга йил давомида ойлик маош тўлаш масаласи ҳал этилди.

Бу масаланинг бир жиҳати, Яна бир томони ишчилар куз ва қишнинг муайян фурсатларида мажбуран таътилда бўлишига тўғри келади. Фермер хўжаликлари раҳбарлари билан келишувимизга мувофиқ пуллик таътилни татбиқ этиш ҳаракатида бўлаёмиш.

Дарҳақиқат, касаба уюшма ташкилоти масалани тўғри кўтарди ва мулкдорлар олдига кўя айлди. Ганнинг индаллосини айтганда, нима учун дала ишчиси пуллик таътилдан бенаҳис бўлиши керак? Бу қонун юзасидан ҳам, инсоф нуқтаи назаридан ҳам тўғри келмайди. Ана шу масала жамоа ташкилотига сира тинчлик бермай келарди. Ниҳоят тармоққа кирувчи 700 дан ошқ иш бевурачилар ҳақи талабни тан олишди. Хар бир ходим пуллик таътилга эришди.

Пахта йиғим-терими мавсумида ҳам иш бевурачилар билан

тадбир режасини туздик, - суҳбатни давом эттирди Ю.Утаганов. - Энг кўп пахта терган механизатор, теримчилар учун ҳар бир фермер хўжалигида алоҳида рағбатлантириш таъсис этилди.

Ҳўш, шундай экан, фермерлар дала ишчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг қандай шаклларидан фойдаланишяпти. Ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида бир қатор мулкдорлар, хусусий сектор касаба уюшма ташкилотлари етакчилари фикри билан қизикдик.

Улугбек Маматқулов; Музрабод туман Р.Қосимов номи фермер хўжалиги иш бошқа-

ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

рувчиси.

Биз ҳар бир ходим билан меҳнат шартномаси асосида иш юритамиз. Унга мувофиқ ҳар бир хонадон электр ва газ тўлов ҳақларини тўлаб берамиз. Бундан ташқари, йилга икки мартаба ишчи-коржомалари, иш қуруллари билан таъминлаймиз. Режадан ошқ юмуш бажарган ходимга қўшимча тўловлар жорий этилган. Ойлик маош амалдаги йилда ўртача эллиқ минг сўмни ташкил этди. Агар пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ер ҳисобига 40 центнердан оширилса, йиллик устама маоши икки баробардан ошқ тўлаб берилиши назарда тутилган.

Пахта теримида ҳар килограмм пахта учун 50 сўмдан ҳақ тўлаб бераёмиш. Агар теримчимиз бир кунда юз килограммдан ошқ пахта теришга эришса, ун фоиз устама тўлов жорий этганмиш. Терилган ҳар тонна пахта учун ҳам қўшимча тўловларимиз бор. Шунингдек, мавсум илгорларига муқофотлаб таъсис этганмиш. Энг кўп пахта териб берган киши 100 минг сўм миқдоридида муқофотга сазовор бўлади.

Дилшод Имминназаров;

Сурдарё

«Дилшод» фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси.

Хўжалигимизда 20 гектар майдонда пахта эканмиш. Далада деҳқон уйи барпо этганмиш. Уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаб келаямиш. Биз маъмурият билан фермер хўжалигининг энг жонқуяр ишчиси учун битта рангли телевизор муқофотини ажратганмиш. Пахта терими мавсуми поёнида муқофот эгасига топширилади. Шунингдек, хўжалигимизнинг доимий ишчиларига териб

берган бир кило пахтаси учун 70 сўмдан ҳақ тўлаёмиш. Бу йил 2 нафар ходимни республика сихатгоҳларида бепул дам олдиришни мўлжаллаб турибмиш.

Жўрақул Қўбаев; Оқолтин туманидаги «Тангир ота» фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси.

Хўжалигимизда бошланғич ташкилот тузилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш асосий вазифа бўлиб келмоқда. Пахта йиғим-теримида 15 нафардан ошқ теримчилар қатнашмоқда. Биз ҳашарчиларга кунлик ҳақ тўлашни жорий этганмиш. Бундан ташқари, аъзоларимизнинг уч нафарига 70 минг сўмдан ошқ миқдорда моддий кўмак кўрсатдик. Қиш мавсумида ишчиларимизнинг дам олишларида хўжалигимиз пул тўлаб бериш ҳақида қарор қабул қилган. Бу йилги ҳосилдан тушган даромаднинг катта қисмини меҳнат муқофазасига йўналтирмакчимиз.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Самарқанд

ТЕРИМ ҲАҚИ ДАЛАНИНГ ЎЗИДА

Уша йили хўжалик давлатга пахта сотиш режасини бажара олмаслиги мавсум тугамасданок аниқ бўлиб қолди. Чунки далаларда ҳосил йўқ эди. Кўшни хўжалиқларнинг деҳқонларидан қолиб кетган пахтачини териб олишди. Шунда ҳам бўлмади. Хўжалик бош ҳосилоти бўлиб ишлаган Акбар Маҳмадовнинг ёдидан бир воқеа сира чикмайди. Даштдаги хўжаликка ёрдам сўраб борди. Улар ортқча ҳосилни териб беришларини айтишди. Бунинг эвазига эса ҳақини тўлагандан ташқари кўрсатилган далага ғалла экиб бериш шартини қўйишди. Атиги икки телеҳақ пахта керак бўлгани учун рози бўлишди. Бир кунда ғалла экиб берилди. Лекин у томон лафзиди турмади.

Хўжалик бошқаруви раислигига сайланганда биринчи ғалла ўша воқеани эслатиб қолмади. «Бировга кунимиз қолмасин. Ўз меҳнатимиздан кўпроқ фойда олиб ишлайлик» деди у. Шундан бери ҳам у йилдан зиёброқ вақт ўтди. «Зарафшон» ширкат хўжалиги шу вақт ичида иқтисоди бақувват хўжаликка айланди.

Масалан, ўтган йили ғалла ва пахтадан 180 миллион сўмдан зиёд соф фойда олишди. Ҳали бошқа соҳалар ҳақида гапирганимиз йўқ. Бу йил даромад миқдори янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Ҳафсаласи пир бўлган одамларни унумли ишлашга рағбатлантириш жуда қийин бўлар экан. Аммо меҳнат қилиш, шунинг орқасидан манфаатдор бўлиб, яхши яшаш истағи ҳар биримизда бор, - дея қўп бора таъкидлайди хўжалигимиз раиси А.Бобоев. - Ўзгаришларни энг оддий нарсалардан бошладим. Аслида мана шу жиҳатлар ҳам ҳосил тақдирига таъсир қилади. Ерни сифатли тайёрлаб, уруғни сифатли қадаган механизаторларга биттадан гилам ва қисқа мудатли таътил ваъда қилдик. Аввалга ишончимизди. Ана шундай рағбатга 8 киши сазовор бўлгандан сўнг бо-

шқаларнинг ҳам меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Биз эса экин парваршининг ҳар босқичи учун ана шундай тадбир қўллаётимиз.

Одамларда манфаатдорлик ошаверган, чиндан энг шимариб, бел боғлаб ишга киришишди. Уч йилдирик, ширкат деҳқонлари илгорикни қўлдан беришмайди. Пахта йиғим-терими мавсумида четдан бирорта ҳам ҳашарчи жалб қилишмайди. Хўжаликда бўлган кунимиз пешини лойқанда ҳар бир бош пудрат даласида 3-4 тадан тележака терилган ҳосилга тўлдирилиб, тайёрлов корхонасига жўнатишга тайёр турганини кўрдик. Кунига йиллик режанинг 7 фоиздан ошибир пахта тайёрланаётганлигининг боиси шунда.

Ҳар ким ҳам яхши ҳақ олиш, яхши яшаш учун меҳнат қилади. Хўжалигимиз раҳбарлари шундай йўл тутгандан хурсандмиш. - дея тадбирларимизни маъқуллади теримчи Малоҳат Уроқова. Шунинг учун ҳамма жон қуйдириб ишлайпти. Унлаб теримчилар 3,5-4 тоннадан пахта териб қўйишди. Шунга яраша ўз вақтида нақд пул беришяпти. Демак, ҳар ким ўз

фасини бажарса, меҳнат қилса кам бўлмайди.

Хўжаликда шу кунларда далада ишловчилар учун ҳамма шароитлар яратилган. Мавжуд 10 та дала шийпони тўла жиҳозланган. Терим пули даланинг ўзида тарқатилаяпти. Иссиқ овқат ташкил этилган. Бу борадаги тадбирларнинг бажарилиши мақсус гуруҳнинг доимий назоратида. Мухим, жамоа аъзолари меҳнат унумдорлиги ва манфаатдорлик узвий боғлиқлигини аниқлаб олишган.

С.БЕГЛАНОВ, Нарпай туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси

ДАСТАЛАБКИ ТОЛА ОЛИНДИ

Фарғона шаҳридаги пахтачи қайта ишлаш акциядорлик жамияти янги пахта ҳосилтини қайта ишлашни бошлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра тармоқда 2 минг тонна ҳосил қайта ишланиб, 700 тоннадан ортқ қимматбаҳо саноат хомашёси олинди. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича янги юқори сифати ажралиб туради, қабул қилинган дала зиёд ҳосил-юқори сортларга қайта ишловчилар Фарғона ва Езёнов тумани миришқор деҳқонлари этиштирган 31 минг 471,7 тонна саноат хомашёсини қабул қилишга пахта таррадууд қуришган. Шартнома асосида пахта етказиб бевурачилар ширкат ва фермер хўжаликларига қорхонани амалий ёрдами катта бўлди. Улар учун арзонлаштирилган нархларда қойшаб ва атаклар, қозон, самовар; усимлик ёғи, хўжалик совуни ва бошқа мавсум билан боғлиқ хизматлар етказиб берилди. Териб олинган ҳосилни қайта ишлаш тармоғига олиб келиш учун қўшимча транспорт воситалари жалб этилди. Шунингдек, қайта ишлаш тармоғида ишловчи мутахассисларнинг бевосита терим жараёнида қатнашаётгани ҳам маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Фарғона

Тошкент вилояти миришқорлари пахта йиғим-терими сурбатини тобора оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 августдаги «2005 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни изчиллик билан амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур қарорда банклар ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган.

Банкимиз саккиз минг нафарга яқин миқозга хизмат кўрсатади, - дейди «Пахта-банк»нинг вилоят бошқармаси раҳбари АТхам Назирқулов. - Уларнинг уч мингдан ортғи - фермер хўжаликлари. Жорий йилда улар давлатга етмиш минг тоннага яқин пахта этиштириб беради. Айни пайтгача ақсарият фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларини удаллади. Шу қўнғача «Пахта-банк» теримчиларга 5 миллиард сўмдан ортқ пул тарқатди. Бу борадаги ишларнинг намунали йўлга қўйилишида жойлардаги минн банкларнинг

МАНФААТДОРЛИК - УНУМЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ

ҳиссаси катта бўлмоқда. Айни пайтда вилоятда 26 та ана шундай банк шохобчаси фаолият кўрсатмоқда.

Бу йил вилоят бўйича 73 та зарр кўриб ишлаётган пахта пахта партабилли ширкат хўжаликлари тугатилиши режалаштирилган. Уларнинг ўрнига ташкил этиладиган фермер хўжаликлари учун 35 та минн банк фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Бу ўз наба-тида ишни тўғри ташкил этишда, фермерлар вақтини тежашда ва бошқа қўллаб муаммоларни ҳал этишда қўл келади.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фермер ҳамда ширкат хўжаликлари ишларини янада жонлантириш мақсадида 21 миллиард сўмдан ортқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу эса бугун ўз самарасини бермоқда.

Қашқадарё

Қарши туманидаги «Истикбол» ширкат хўжалиги деҳқонлари давлат қабул пунктларига 3170 тоннадан ортқ пахта топшириб, бу соҳадаги йиллик шартнома мажбуриятини бажардилар. Этиштирилган ҳосилнинг барчаси юқори сортларга қабул қилинди.

ЮҚОРИ СУРЪАТ, АЪЛО СИФАТ

Бу йил 800 гектар майдонда «Бухоро-6», шунингдек, янги «Бухоро-8», «Бухоро-102» навли пахта этиштирдик, - дейди хўжалик раиси Шомурод Сатторов. - 2004 йилда шартномани 170 фоизга удаллаб, ҳосилдорликни гектаридан ўртача 45,5 центнерга етказдик. Бу йил эса ҳосилдорлик ҳам, даромад ва соф фойда ҳам ўтган йилдагидан юқори бўлади. Чунки далада ҳали пахта мўл.

Ҳозирга қадар вилоятда икки мингга яқин фермер хўжалиги пахта тайёрлаш йиллик шартнома мажбуриятини адо этди. Мавсум бошидан буён уйилган пахта хирмони 300 минг тоннадан ошди.



АЪЛО КАЙФИЯТ БАХШ ЭТДИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қайсики инсон серхаракат ва сергайрат, кўп жисмоний ҳаракатда бўлса, унга касал яқин йўламайди. Аксинча, яқов, даңгасаликка мойил кишиларнинг тез-тез тоби қочиб туради. Бир сўз билан айтганда, жисмоний ҳаракат инсонни чиниктиради, руҳини мустаҳкамлайди ва аъло кайфият бахш этади.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик санъати тармоқ ходимлари қасаба уюшмасининг аъло шарафлиги бўлиб, бундан ташқари «Металлургия» спорт клуби базаси тармоқнинг Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган вакиллари билан бирга «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ, «Ўзметкомбинат» АЙЧБ ҳамда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ жамоаларини қабул қилиб олди.



нашчилари чиройли концерт дастурлари билан қатнашчиларда аъло кайфият уйғотди. Шундан сўнг финал баҳсларига йўл олган 8 та жамоа спортнинг мини-футбол, теннис, ашша, шахмат, шашка, сузиш, стол тенниси, теннис ҳамда оилавий баҳсларда ўзаро куч синаядилар. Мусобақаларда жами 200 нафар ҳаваскор спортчилар қатнашди.

шаҳри вакиллари биринчи бўлдилар. Иккинчи ўрин «Ўзметкомбинат» АЙЧБ жамоасига, кейинги ўрин Фарғоналикларга насиб этди. Оилавий мусобақалар ҳам жуда қизиқarli тус олди. Унда биринчи ўринга мезбонлар вакили саналиш Хардинлар оиласи лойиқ топилди. Кейинги ўринлар тошкентлик Эрнеповлар ҳамда «Ўзметкомбинат» жамоаси вакили Одиловлар оиласига насиб этди.

Тадбир

Ўринларни тошкентликлар ҳамда «Ўзметкомбинат» АЙЧБ жамоаси эгаллади. Мусобақа голиблари ва қатнашчилари тармоқ Марказий Кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

М.ЭШОНХУЖАЕВА
Ўзбекистон
Металлургия ва
машинасозлик
санъати ходимлари
қасаба уюшмаси
Марказий Кенгаши
бўлим мудри

Эҳтиром

Ҳар йили шу кўнда сабоқ олган, айна пайтда поллолардек ҳаёт йўллариини излаб, тўрт томонга сочилиб кетган сабоқ ўқувчилари, ўқитувчи ва мураббийлар кўни олдидан уни йўқлаб келишади. Олий ҳеч қачон ҳеч кимни уйига қорламаган. Аммо шогирдлари кўнгида у ёқан меҳр чирогининг ёрқин нурлари унга томон йўл очди, қалбларига қалбларга боғлади. Қўтуғ байрам арафасида муаллима яшайдиган хонадон дарвозаси унинг қалбидек кенг очилди. Кўноғи гулларга, қалби гулурга, уйи фойзага тўлади. Хотиралар юракларини сел қилиб тилга қўчди. Кўнгил-кўнгилдан сув ичди.

ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

Биринчи бўлиб хонадонига севишли шогирди Орзуғул Мўминова кириб келди. Олийҳон бу зийрак, доно, айна вақтда билимдон кизни ўзгача меҳр билан суяр, унинг ҳаракатчанлиги ва тиришқоклигига ўзининг ёшлигини, тиниқ мунавар орзуларини, қўл етмас қўвчилик даamlарини кўргандек юраги тўлқинланиб кетарди. Шогирди ўқиб-ўрганишдан, излашдан чарчамайди. Мана ҳозир ҳам бир қўлида гул қўтарган шогирд иккинчисидикитоб-дафтар туганча қаршисида намойн бўлиб турибди. Бейхитёр кўз ўнгида ўзининг болалиги, умри ўқитувчиликда ўтган раҳматли онажониси Зулайхо оланнинг мунис, меҳрибон сиймоси ва устози Сафия Саидованинг ҳайрихоҳ нигоҳи келди. Илк бор математиканинг сирли, сехрли йўлига бошлаган устозлари гўё ундан не эзгу ишларни қилиб ургурдин, деяётгандай туюлди. Айнақса, устози Сафия она ўқувчилик йилларида ундан кўмагини аямасди. Ундан озурали юрагига сўғайма «мен ҳам улдардек муаллима бўламан» деб ният қилгани айна ҳақиқат. Мана бугун қаршисида турган қизалоқдек ўқитувчининг кетидан қолмай, танафусларда ҳам, уйдан ҳам унга эргашиб юришларини эслаб ширин энтикди.

Хабарлар оқимидан

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИ-ЭКРАНДА

Мамлакатимизнинг мустақиллик байрамига бағишлаб қатор фильмлар яратилди. Республикаимиз санъати соҳасидаги илгорлар фаолиятлари эса хужжатли фильмларда ўз тасвирини топти. Бундай ижод намуналаридан бири «Ерқин келажак қалитлари» деб номланди. Қарши чўлида бунёд этилган «Шўртан газ-кимё» мажмуида фидокорона меҳнат қилаётган азаматлар ушбу янги экраннын қарамонлари бўлиши. Мазкур асар орқали томошабинлар қорхонада ишлаб чиқарилаётган синтетик буюмлар, жорий этилган қудратли техникалар билан ҳам яқиндан танишадилар. Меҳнат зафарларига бағишланган бу экраннын «Ўзбекино» миллий агентлигига қарашли «ESI EKO FILM» студияси томонидан суратга олинди.

ҚУТЛУГ ДАРГОХ

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган илмий иш-фобош масканлар талайгина. Тошкентдаги Иммунология илмий тадқиқот институти ҳам мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўзига хос салмоқли ўрин тутади. Бундан 20 йил аввал бу даргоҳга асос солинган эди. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти негизда ташкил тоилган институти учун шу давр ҳар томонлама ривожланиш ҳамда кенг қўламли тадқиқотлар йиллари бўлди. Бу ерда қатор йирик лаборатория ва бўлимлар очилди. Шу соҳа бўйича малакали мутахассис кадрларнинг талайгина етишиб чиқди. Иммунология ва аллергология бўйича йирик илмий анжуманлар ўтказилди. «Иммунология долзарб масалалари» деган илмий тўплам чоп этиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари «Назорат ва клиник тиббиёт журналы» чоп этилмоқда. Бу нашрларда шу соҳага доир изланишлар кенг ёритиб борилаётган. Институтининг шу санасига бағишлаб республика илмий анжумани уюштирилди.

МУВАФАҚИЯТ ҚОЗОНГАН ФИЛЬМЛАР

Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ҳамда Болтиқ бўйи мамлакатларининг бу сафарги навбатдаги халқаро кинофестивали Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасига ташкил этилди. Бу нуфузли ижодий кўрикка талайгина картиналар тақдим этилди.

Республикаимиз киносанъати намойндалари ҳам фестивалга пухта тайёргарлик қўришди. Ўзбекистонда яратилган иккита қизиқarli экраннын асарлари эса унинг танлов дастурига киритилди.

«Эркак», «Ўсимир» деб номланган мазкур ижод намуналари мамлакатимизда кейинги йилларда суратга олинган энг яхши бадиий фильмлар деб топилди. Шу сабабли улар турли халқаро кинофестивалларга тақдим этилди. XIV халқаро кинофестивалда кўрсатиш учун танлаб олинини ҳам бу экраннын асарлари нуфуздан дарак беради.

ФЕСТИВАЛ ДОИРАСИДА

Оролбўйи худудда хавфнинг олдини олиш мақсадида турли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. «Биз Орол болаларига» деган шир остида уюштирилган хайрия фестивалига ҳам катта тайёргарлик қўрилди.

Цирк артистлари, эстрада хонадалари ижро этган тароналардан туганган маблағлар Орол жамғармасига ўтказилди.

Республикаимиздаги йирик санъат қорхоналари ҳам ҳиммат кўрсатишди. «Ўзимёсанот» Давлат акционерлик компанияси, «Ўзэлектроаппарат» акционерлик компанияси ва бошқа қорхоналар инсонпарварлик ёрдами сифатида маблағ ажратдилар.

ТИЛ ЎРГАНАЙ ДЕСАНГИЗ

Тошкент давлат йоридик институтида япон ҳуқуқини ўрганиш маркази очилди. Уни зарур ўқув қуроллари билан жиҳозлаш учун бегараз ёрдам дастури бўйича Япония ҳукумати катта миқдорда маблағ ажратди.

Олий ўқув юртининг биринчи ва иккинчи босқич талабалари машғулотларга қатнашиб, япония тили ва ҳуқуқини пухта ўзлаштирган, қўнқар мамлакатдаги етакчи университетларга йўллана оладилар.

Ўқини давом эттириш жараёнида уларга бакалавр ва магистр даражаси берилади. Япон тилида шу мамлакат ҳуқуқини тизимини ўрганиш Ўзбекистондаги Миллий қўнқурилиқ билимларини янада яхшироқ ўзлаштириш имконини беради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда йоридик институтини битирган ундан ортиқ талабалар Японияда таҳсил олишмоқда.

А. АЛИЕВ

Аёлларга эҳтиром намунаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти» таъсис этиш тўғрисидаги қарори билан таъсис этилган «Зулфия номидаги Давлат мукофоти» таъсис этилди. Утган йиллар давомида бир қатор иқтидорли, зукко, билимдон қизлар комиссия хулосасига кўра мукофот совриндорли бўлишди. Уларнинг аксарияти ҳаётда муносиб ўринларини топмоқдалар.

Ёш қалб эгаси бамисоли юз очаетган гўна. У ҳаётдан фақат эзулиқни, самимий муносабатларни кутади. Ҳаёт ҳам шунга интилиб яшайди. Нозик туйғулар шикаста бўлиб қолмаслиги учун эса, аввало, биз катталар масъулмиз.

Аммо 2004 йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш, тавсия этиш Навоий вилоят комиссияси фаолияти атрофида ҳар-хил гаплар юра бошлади. Давлат мукофоти совриндорларининг номлари 2004 йил 8 Март арафасида матбуотда эълон қилинган, эътирозлар янаям кўчиди.

Таажубки, майда гап-сўзлар ҳар қанча урчимасини ҳеч қим пинагини бузмасди. Гўё бу миш-мишлар ёлғон, рост бўлса ҳам ҳеч қим, ҳеч нарса қила олмайди, деб ўйлашди. Орадан анча вақт ўтиб вилоят прокуратураси бу масала билан шуғулланипти, деган овоз тарқалди. Чиндан ҳам прокуратура комиссия иши билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилган, урганган ва 2004 йилнинг ойид оийда вилоят ҳокими номига тақдимнома киритган.

Тақдимнома юзасидан вилоят ҳокимлигидан вилоят прокуратурасига «Комиссия раиси ҳоким ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мусаллам Ибрагимовидеги тақдимнома тақдим этилди. (Аслида ишдан овоз қилинган йўқ). Комиссиянинг мафратини қўзлаб бундай қилинди? Ахир бундай номмакўл йўл катта умидлар ила яшаётган, ижод қилаётган ёшлар қалбини

Таажжуб!

ганлиги кўрсатиб ўтилди...» деган мазмунда жавоб юборилди. Жавоб хатига, шунингдек вилоят комиссияси (айнан адабиёт йўналиши бўйича масъул ишчи гуруҳи) аъзоси бўлган журналист Клара Бозорова эса ёш иқтидорли қиз манфаатларини шикастламайдими? Комиссия ишига раҳбарлик талаб даражасида ташкил этилмаганлиги боис «эғизак» шеърини тўплам дунёга келди. Оқибатда 20 йиллик журналист мукофотга номзод ёш ўқувчи қиз учун шу шеърини тўпламини чоп этиб, вилоят комиссиясига тақдим этди. Ажабо, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшгина қизга сохта шуқрат олиб бериш кимга керак бўлдики? Ҳақиқий ихдор қўн учун катта-кичик асарини унга худди ўз фарзандидек азиз эмасми? «Эғизак» китобларни арақласангиз шеърлари нукта-вергулига ҳам, хатто сарлавҳалари ҳам шундайлигича кўчириб олинганлигининг гувоҳи бўласиз...

Ҳўш, бундай ҳунук ҳолат замирида нималар ётибди? Кимнидир қўлоғидан тортиб мукофот олиб бериш бундан кўриб турган одамлар, айниқса, ёшларнинг адолатга бўлган ишончига пугур етказиш эканлигини бу ишга қўл урганлар наҳотки билишмасми? **ЕРКУЛ УМАРОВ,** Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурининг ҳар бир банди бебаҳо бойлик-инсон соғлигини яхшилашга қаратилган. Унда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Республика Саломатлик институти Қашқадарё филиали директори Шоира Набиевани Қарши шаҳридаги тиббий тажисот марказида уратдиб. У масъасга раҳбар, тиббиёт фанлари номзоди Ҳасан Сайфиев, «Оила ва никоҳ» бўлими мудираси Мавлудохон Нишонов ва билан олис туманларга шифокорлар гуруҳи юбориш хусусида суҳбатлашиб турган экан.

Никоҳ ёшидаги ёшларнинг саломатлигини асраш, оила тиббий маданиятини ошириш, насл тозаллиги, ўсимир қизлар гигиенаси, баркамол авлодни шакллантириш мақсадида тиббий тажисот марказида янги бўлим ташкил этилган бўлиб, бир йилда 18 миңдан ортиқ йигит-қиз тиббий қўриқдан ўтказилади.

Воҳанинг Қарши, Нишон, Шаҳриқабза, Китоё, Чироқчи, Ғузор, Косон, Яққабғ, Қасби каби туманларида «Оила ва никоҳ» хоналари, «Ёш оналар» мактаблари ишлаб турибди. Никоҳ ёшидаги йигит-қизлар, илк бор фарзанд кўрган аёллар билан машғулотлар ўтказилаяпти. Вилоят марказидан олисада жойлашган тоғ ва тоғолди қишлоқлардаги туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилди.

Саломатлик, бу инсоннинг фақат касаллиги йўқлигича эмас, балки ақлий, руҳий, жисмоний етулгили ва иқтимоий томондан хотиржамлигидир. дейди биз билан суҳбатда филиал раҳбари. - Соғ-саломат яшаш - ҳаёт фалсафаси. Хар қандай давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши, аввало фуқаролар соғлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунлари, Президентимизнинг «Республикада соғлиқни сақлаш

2005 йил - Сихат-саломатлик йили

Вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари, маънавият-маърифат кенгашлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда Қарши Давлат Университети, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар ва лицейлар, Қарши сержантлар мактабида «Репродуктив саломатлик», «Гиёҳвандлик - XXI аср вабоси», «Йод танқислигининг олдини олиш», «Чекши-умр заволи», «Сил касаллигининг олдини

олиш бўлади», «Фарзандлари соғлом орд қудратли булур», «Миллатимиз келажига аёллар саломатлигига боғлиқ» мавзуларида 38 марта ўқув семинарлари ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими билан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Олам болалар нигоҳида» қўриқ-конкурс уюштирилиб, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. «Она ва бола» скрининг ва «Аёл қудрати» марказлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси иш-тироҳида Чироқчи тумани Чиял ва Фаллақор қишлоқларида яшовчи зуриёр ёшидаги хотин-қизлар шифокорлар назоратидан ўтди. Соғлом оилани шакллантиришни қўзлаб ўғил-қизлар ўртасида «Саломатлик дарслари» ўтказилди.

3 дан 7 ёшгача бўлган болалар ўртасида касалликларнинг олдини олиш ва шаклий гигиена қонунларини ўргатиш мақсадида Қарши шаҳридаги болалар боғчаларида «Гигиена мактаби», илм масканларида «Саломатлик» курслари ташкил қилинди.

Вилоят эндокринология диспансери билан ҳамкорликда мактаб-

МУЗЕЙЛАР ЭКСПОНАТЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИ

Тошкентдаги тасвирий санъат галереяси жамоаси ибратли ишга қўл ўрди. Эндиликда бу ерда Ўзбекистондаги йирик музейлар фаолиятларини акс эттирувчи экспозициялар навбати билан намойиш қилинади.

Мамлакатимиздаги музейларнинг бадиий коллекцияларини билан томошабинлари таништириб бориш мақсадида йўлга қўйилган бу тадбир кўпчиликда қизиқиб ўйғотди. Дастлаб томошабинлар эътиборига Нукус давлат музейининг энг яхши экспонатлари ҳавола қилинди. Самарқанд қўриқона музейига бағишланган экспонатлар кўргазмаси ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди. Ундан археология этнография, турли тарихий манбаларга доир материаллар ўрин олди. Айна вақтда томошабинлар республикамизнинг тарихий-маданият ва бадиий меросига оид нобв экспонатлар билан ҳам танишдилар.

Иститути вилоят филиалида 12 миңдан ортиқ адабиётлар жамғармасига эга бўлган тиббиёт кутубхонаси фаолият кўрсатмоқда. Нурхонада жаҳон ва мамлакатимиз медицинасига оид китобларни олиб ўқиш, газета-журналларнинг янги сонлари билан танишиш мумкин. Бундан ташқари «Ҳомилдорликнинг олдини олишда замонавий контрацепция воситалари», «Ўткир юкмули ошқозон-ичак касалликлари ва унинг профилактикаси», «Спиртли ичимликлар, тамаки, гиёҳванд моддаларнинг организмга зарари ва асоратлари» мавзуларида буклетлар, брошюралар, варақлар, видеокипплар тайёрланди ва тарқатилди. Мактабларнинг 9-, 11-синф ўқувчилари, лицей ва коллеж талабалари ҳузурда тиббиёт ходимлари «Соғлом оила асослари» курсидан 16 соатлик дарс машғулоти ўтказилди.

«Сихат-саломатлик йили» дастурининг амалга оширилиши инсонпарварликнинг юксак намунаси, одамларда ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулияти муносабатда бўлиш, ҳаётини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилиб яшашга ўргатади.

И. ИСОМУДИНОВ

2-ТБЮ томонидан 1989 йилда Исмоилова Барно Закировна номига берилган НТ-1 218991 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихиев, Виктор Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириди - 23.10

Махсуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан руйхатга олинган.

IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ўлчам А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.